


# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ



*Юрт озодлиги йўлида курашган аждодларимиз*

# ШИРОҚНИНГ ЖАСОРАТИ

Ёз мавсуми бошланиб, Яксарт (Сирдарёнинг қадимги номи) бўйидаги чўлларда ўтлар қовжирай бошлаган. Шу сабабли бу ерларда яшовчи сак қабилалари энди серўт, майсазор яйловларга бориш тараддудига тушишган. Янги яйловларга бориш байрамдек ҳисобланиб, улар шундай арафада бир-бирлариникига меҳмон бўлиб, бу кунни хушчақчақлик билан ўтказардилар. Аммо, бу йилги бориш маросимида хушчақчақлик билан айтиладиган ўланлар ҳам айтилмади, ҳаммаёқда жимжитлик. Одамлар чеҳрасида билинар-билинмас ғамгинлик, хавотирлик, ҳадиксираш аломатлари намоён эди.

Баландроқ ерга қурилган катта оқ ўтовни 3-4 нафар сарбозлар қўриқлашмоқда. Ўтов ичида сак қабилаларининг оқсоқоллари кенгаш ўтказмоқдалар. Давранинг тўрида ўтирган қабила бошлиғи Рустак оқсоқолларга бугунги вазият ҳақида ахборот бермоқда:

— Эрон шоҳи Дороёвуш Ўкуздан кечиб ўтиб, Суғдиёнани босиб олди. Барча халқни талаб, эркакларни қул, хотин-халажни эса асир қилиб олиб кетаябдилар. Хабарчиларимизнинг берган маълумотига қараганда, энди навбат бизга келган. Эрон шоҳи ўзининг Роносбат номли саркардаси бошчилигида катта бир қўшинни биз томонга юбориш ниятида эмиш. Алҳол биз бу офат балосини бошимиздан даф этмоқ учун қандай чора-тадбирларни қўлламоғимиз лозим? Сизлар бу борада ўз фикр-мулоҳазаларингизни очиқ баён қилмоқларингиз даркор!

Шундан сўнг уруғ оқсоқолларидан бири ўрнидан туриб, қизишган ҳолда сўзлай бошлади: — Қўлидан иш келмайдиган ёш болалар, қариялар, кампирлар, ёш болали аёллар ва ногиронларни қўй ва йилқилар билан узоқ чўл ичига жўнатиб, қолган барча эркак ва аёлларни қуроллантириб, душманга қарши қўйиб бир томчи қонимиз қолгунча курашсак. Золим Эрон шоҳига қул бўлгандан кўра жанг майдонида ўлганимиз яхшироқ...

Рустак уруғ бошлиғининг сўзини охиригача эшитгач, унга боқиб оҳиста, вазминлик билан шундай деди:

— Жанг майдонида мардларча ўлмоқ осон, аммо душманни янчиб, ундан қасос олмоқ қийин. Биз жангда мардлик кўрсатиб, номимизни қолдириш учун эмас, балки эл-юртимиз эркини қандай сақлаб қолиш борасида ўйлашимиз керак.

Уруғ оқсоқоллари оғизларига толқон солгандек жим ўтирардилар. Зеро кўплаб жангларда қатнашиб тажриба орттирган, жанг майдонининг ҳаддини олган, яхши қуролланган мунтазам душман қўшини билан урушмоқ амри-маҳол эканлигини улар яхши тушунардилар.

Шу пайт ўтов эшиги очилиб, ташқаридаги соқчи йигитлардан бири ичкари кириб, Широқ исмли бир киши киришга ижозат сўраётганини билдирди.

— Широқ дегани ким экан у? — ажабланди Рустак.

— Широқ бизнинг уруғдан. Умри чўпонликда ўтган, ўзи ҳам эртакчи, достончи доно чол.

— Ундай бўлса чақир, кирақолсин ўша доно чол. Ўтовга ёши олтмишдан ошган тетиккина барваста бир чол кириб, ўтирганларга таъзим қилди.

— Хўш сўзла, не зарурат билан келдинг?

— Қандай масала устида маслаҳатлашаётганингиздан хабардорман. Бинобарин, агар ижозат берсаларинг мен ҳам ўз фикримни айтсам.

— Ўтир, ўтир, қани эшитайликчи, гапир, — деди Рустак.

— Эрон шоҳининг аскари баайни қум доналаридек беҳисоб. Улар билан жанг қилиб енгиш амри-маҳол. Аммо, уларни қириб ташлаш учун бир жўялик тадбир ишлатмоқлик лозим. Бу тадбир режасини мен пишитиб қўйганман. Агар сизлар розилик берсанглар...

— Қани режангни гапирчи, — деди Рустак. Оқсоқоллар Широқнинг оғзига тикилганча бора-бора уларнинг чеҳралари ёришиб, кўзлари чақнай бошлади...

Оқ ўтовдан қайтиб чиққан Широқнинг афт-ангорини кўрган соқчилар, одамлар даҳшатга тушиб, донг қотиб қолдилар. Широқ эса кесилган икки қулоғи ва бурнига куйдирилган намат босиб, сизиб оқаётган қонни тўхтатиш билан овора эди. Ранги докадек оқариб кетган Широқ тишини-тишига қўйиб ўзини бардам тутишга уринар, одамларнинг саволларига жавоб бермасди. Уни бир чеккага ўтирғизишиб, куйдирилган намат босиб қонни тўхтатдилар. Бироқ, шунчалик азобга қарамай, унинг юзида ғазаб аломати кўринмасди. У бироз ўзига келгач, ўрнидан туриб кун ботар томонга қараб кетди.

Деҳқончилик ва боғдорчилик билан кун кечирувчи суғд халқини ўз ҳукмига киритган Эрон шоҳи, Яксартнинг ўнг қирғоғидаги кўчманчи саклар устига қилинадиган юриш олдидан айшу ишратда дам олмоқда эди.

Мулозимлардан бири шоҳ ҳузурига кириб, қулоқ-бурни кесилган бир киши шоҳ ҳузурига кириш учун изн сўраётганини маълум қилди. Шоҳ келган одамни сак қабиласидан эканлигини билгач:

— Майли, кирсин, — деди.

Широқ шоҳ ҳузурига кириб, ер ўпиб таъзим қилди. Доро Широққа бошдан оёқ разм солгач, қошларини чимириб:

— Ҳой одам, ўзинг кимсан, отинг нима ва қайси уруғдансан? — деб сўради.

— Исмим Широқ, сак уруғиданман, — деб жавоб берди чол.

— Бу ерга келиб менинг оромимни бузишдан мақсадинг недир?

— Ниятим шаҳаншоҳ аъло ҳазратларига хизмат қилмоқдир. Жаноб олийларига хайрихоҳ бўлганим учун қабиладошларимдан жабрландим. Чунончи: «Эрон шоҳи олий нажод билан тенглашаман деб овора бўлманглар, сизларни бир ҳамлада ер билан яксон қилади, яхшиси итоат камарин белга боғлаб, ул зоти бобаракотнинг этакларини ушланг», — десам, ҳукмдоримиз Рустак бу сўзимдан ғазабланиб, қулоқ бурнимни кесдирди. Мен энди сиз олий ҳазратнинг кўмагингиз билан ундан ўчимни олмоқчиман. Агар сиз олий нажоддан фармони ҳумоюн вужудга келса, музаффар қўшинингизни фақат чўпон-чўлиқларгина биладиган сўқмоқ йўллар билан саклар лашкаргоҳининг орқа томонидан олиб чиқардим, ана ундан сўнг уларни қириб ташлаш қийин бўлмасди...

Широқнинг гапини эшитиб, шоҳ ўйга толди. Дарҳақиқат жангари сак қабилалари осонликча яксон қилинса, Ўкуз билан Яксарт оралиғидаги серунум ерларни забт этган Эрон лашкарларининг бехатарлиги таъминланган бўларди. Аммо бу оёқ яланг чўпонга ишонса бўлармикан...

Широқ шоҳнинг ишонқирамаётганини сезиб, ўз сўзининг тўғрилигини исбот қилишга уринди.

— Ахир қулоқ-бурнимни яқиндагина кесилгани кўриниб турибдику! Бизникилар арзимаган иш учун ўз уруғдошларига бундай оғир жазони раво кўрмайдилар, фақат душманларига хайрихоҳ бўлганларнигина қулоқ-бурнини кесадилар...

У ўзи ўйлаб қўйган кўпгина исбот ва далилларини бирма-бир келтириб, узоқ гапирди. Жумладан ўзининг шоҳга бўлган садоқат, сакларга хундор душман бўлиб қолганини исботлашга тиришарди. Сўзининг охирида Қуёш тангрисини шафе келтириб онт ичди.

Доро саркардалари ва аркони давлати билан кенгашиб, саклар устига қўшин юборишга, Широқни эса йўл бошловчи қилиб олишга қарор қилди.

Эрон аскарлари Широқнинг маслаҳати билан етти кунлик озиқ-овқат, сув ва отларга ем-хашак олиб йўлга чиқдилар. Кўчманчиларни чалғитиш учун дарёнинг чап қирғоғидаги қум саҳросидан юриб Яксартдан кечиб ўтиб, сакларнинг орқа томонидан бориб ҳужум қилмоқчи бўлдилар.

Ҳарбий юришнинг дастлабки кунлари йўл унча машаққатли бўлмади. Чўл ўтлари қовжираган бўлса ҳам, онда-сонда булоқлар атрофида кўм-кўк ўтлоқлар учраб турарди. Борабора чўл саҳрога айланиб, одамлар ва отларнинг сувга эҳтиёжи ошаборди. Саҳронинг бераҳм қуёши одамлар бошидан олов селини пуркар, юзлари куйиб, ташналикдан лаблари қовжирарди.

Энди лашкарбошиларнинг ҳам сабр косалари тўлиб, саклар лашкаргоҳига қанча масофа қолганини Широқдан суриштира бошладилар. У эса яқинлашиб қолганликларини ва яна икки кун юриш кераклигини айтиб, уларни юпатган бўларди. Ниҳоят сермашаққат сафарнинг еттинчи куни ҳам сакларнинг лашкаргоҳи кўринмади. Атроф дашт-биёбон, одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куяди. Сув, озиқ-овқат, ем-хашак тугаган, отлар ер искаб сув қидирадилар. Қовжираган лаблари шишиб кетган одамлар бир қултум сув учун бир йиллик умрларидан кечишга тайёр.

Ниҳоят, ҳарбий бошлиқлар Широқни ўртага олиб, «бизни қаерга бошлаб келдинг, қани саклар лашкаргоҳи», — деб ҳақорат қила бошладилар. Ҳатто лашкарбошилардан бири Широқнинг ёқасидан сиқиб силтай бошлади. Широқ ёқасини унинг чангалидан бўшатди-да, бошидан намат қалпоғини олиб, серажин пешонасининг терини артди. Шу тобда унинг қовжираган лабида истеҳзоли табассум пайдо бўлиб, қийиқ кўзларида ўт чақнади. Атрофини қуршаб турган ғазабли чеҳраларга ғурур билан тик боқиб, қалпоғини ерга бир урди-да, қаҳ-қаҳа уриб кула бошлади:

**— Мен енгдим. Доро қўшинини бир ўзим енгдим! Сизларни алдаб саҳронинг қоқ ўртасига олиб келдим, — деб у қўли билан кун чиқиш ва кун ботиш томонни кўрсатаркан, — буёғи ҳам етти кунлик йўл, у ёғи ҳам. Хоҳлаган томонингизга бораверинг. Менинг қабрим шу ерда, — деб оёғи остини кўрсатди. У ўз мақсадига эришгани учун муқаддас олов ва сув худосига шукрона бажо келтириб дуо ўқиди. Зотан, у ўз халқини қулликдан қутқариб қолиш учун азиз жонидан кечиб, душманни яксон этиш учун барча азоб-уқубатни бўйнига олган эди.** Алҳол у ниятига етди. Душманни ҳалокат жарига бошлаб борди. Бу машъум сафар душман учун борса — келмас сўнгги сафар эди.

Бу воқеадан бир ойча муқаддам, Широқ ўз қабиладошларининг оқсоқоллари ҳузурига — оқ ўтовга кирганида шундай деган эди:

— Агар бола-чақамни боқишни, уларнинг аҳволидан хабардор бўлиб туришни бўйнингизга олсангиз, мен ўз жонимдан кечиб, юртимиз бошига келган балони даф этардим.

Оқсоқоллар унинг гапини охиригача тинглаб, режасини маъқуллагандилар. Шундан сўнг у ёнидан пичоғини олиб, ўз қулоқ-бурнини кесган эди. Бу билан гўё ўз элатига хиёнат қилган бўлиб, душман орасига кирган эди.

Ғазабланган Эрон саркардалари Широқни ўртага олиб ура бошладилар. Бош саркарда Роносбат аъзойи бадани қонга беланган Широқни улар қўлидан қутқариб, сув ичириб сўнгра ўз чодирига олиб кириб, унинг олдига беҳисоб олтин ва жавоҳирларни инъом тариқасида қўйиб:

— Агар саҳро қудуқлари ёхуд булоқларининг қаердалигини бизга кўрсатсанг, бу олтинлардан ташқари яна Суғдиёнада ўзинг истаган қишлоқлардан ўнтасини сенга инъом қилардик, — деди.

— Жонажон элимнинг душманларига ёрдам беришни истамайман, — деб гапни қисқа қилди. Аламзада Роносбат аламига чидолмай, қиличнинг бир зарби билан Широқнинг калласини узиб ташлади.

**Гарчи бу воқеалар минглаб йиллар муқаддам бўлиб ўтган бўлса-да, бироқ аждодларимизнинг озод ватанни муқаддас билиб, ўз халқига бўлган садоқати барча авлодлар учун дастуруламал бўлиб қолди.**

**Турғун ФАЙЗИЕВ.**



**Мустақиллик йилларида диёримизда шарқона биноларнинг қад ростлашида моҳир уста — қурувчиларнинг хизматлари беқиёс бўлди. Сиз тасвирда ана шундай жонкуяр қурувчилардан бир гуруҳини кўриб турибсиз.**

*Қурилиш*

# БУНЁДКОРЛАР ТУҲФАСИ

Кун сайин чирой очаётган Тошкентни бугун кўпчилик қурилиш майдонига қиёслайди. Ҳақиқатан ҳам, Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ диёримизнинг барча шаҳарлари қаторида Тошкентда ҳам бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда.

Шу кунларда ҳам шаҳарнинг ҳар бир туманида қурувчилар кечаю кундуз бунёдкорлик ишларининг барчасини тезкорлик билан амалга оширишмоқда. Бунинг сабаби аниқ — ҳар йилгидек улар Мустақиллик кунига мўлжалланган ўз байрам туҳфалари — янги иншоотларни қуриб топшириш ниятлари бор.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қурилиш мажмуаси маълумотларига кўра, Мустақиллик байрами арафасида пойтахтда йигирмага яқин — ҳунармандчилик, иқтисодиёт, қурилиш, радиотелекоммуникация, политехника ва бошқа бир неча йўналишдаги — касб-ҳунар коллеж ва академик лицейларда таъмирлаш ва қурилиш ишлари тугатилиб янги ўқув йилида ўқувчиларни қабул қилиши мўлжалланган.

Маълумки, катта шаҳарларда равон йўл ва кўприкларга эҳтиёж ҳам катта бўлади. Уларни қуриш осон бўлмасада, аммо шаҳримизда бундай машаққатли ва шу билан бирга савоатли ишларни бажаришда ўзбек қурувчиларига тенги йўқ десак муболаға бўлмайди. Юнусобод, Қўйлиқ мавзеларидаги кўприкларнинг қурилиши ва улар туфайли ҳалққа анча қулайликлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Яқин кунларда эса улар қаторида умумий узунлиги 4,5 километрдан иборат янги кўприк ва магистраль йўллар очилиши ҳам кўзда тутилган, Чилонзор, Собир Раҳимов, Юнусобод ҳудудларида қад ростлаётган бу иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши билан пойтахтнинг барча туманларида транспорт қатнови янада яхшиланади.

Мустақиллик байрамига қурувчилар яна битта катта совға тайёрламоқдалар — бу «Беруний» метро бекати ёнида қайта таъмирланиб замонавий усулда қурилаётган республика халқаро савдо ярмаркаси маркази биносидир.

Байрамолди бир неча тиббиёт масканлари ҳам ишга туширилиши кўзда тутилган. Улар қаторида Юнусобод туманида бешинчи болалар шифохонаси, Собир Раҳимов туманида — биринчи шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси, бундан ташқари Мирзо Улуғбек туманида 15-шаҳар клиник шифохонасида ҳам таъмирлаш ишлари тугатилмоқда.

Шаҳримизнинг энг ёш туманларидан бири Бектемирда ҳам қурилиш ишлари жадал бормоқда. Байрам арафасида бу ерда қатор иншоотлар фойдаланишга топширилади. Шулардан кичик архитектура «либосида» қурилаётган Чо-Мен-Хи кўчасидаги маҳалла гузари, «Қуёш нури» деб номланган болалар шаҳарчасининг биринчи навбати ҳамда «Мажнунтол» маҳалласида кичик амбулатория ва Чирчиқ дарёси остида қад кўтараётган тўғоннинг биринчи навбатидир.

Маълумки, Бектемир — шаҳарнинг саноат туманларидан бири ҳисобланади ва бу ерда бир неча йирик саноат корхоналари мавжуд. Улар қаторига яқин кунларда Мустақиллик неъмати бўлмиш яна битта қўшма корхона — Германия ва Словакия ҳамкорлигида сантехник жиҳозлар ишлаб-чиқаришга мўлжалланган «Ўзсматана» қўшма корхонаси ишга тушиши режалаштирилган. Лойиҳа қувватига кўра корхона йилига 750 минг дона маҳсулот чиқариш имкониятига эга бўлади ва унда ишлатиладиган хом ашёнинг 60 фоизи маҳаллий хом ашёдан ташкил топади.

Юқорида айтиб ўтилган янги иншоотлар «хамир учидан патир» десак бўлади. Чунки Тошкентда яна бир неча бунёдкорлик ишлари қилинмоқда ва уларнинг барчаси эътиборга эга. Бунёдкорларимиз шу йилнинг охиригача Ўзбекистон шох кўчасида қад ростлаётган Беҳзод номли музей ва мемориал дам олиш масканини қуриб битиришни, Ўзбекистон халқлари тарих музейида таъмирлашни, Матбуотчилар ва Сайилгоҳ кўчаларида қурилиш ишларини ниҳоясига етказишни режалаштирганлар. Шу билан бирга қурилиш ва ободонлаштириш ишлари Алишер Навоий номидаги Миллий боғда, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғида ҳамда Акмал Икромов туманида миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида давом эттирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қўли гул бунёдкорларимиз меҳнати билан қурилган ва бунёд этилаётган кўркам ва замонавий иншоотлар ҳамиша унинг ҳуснига ҳусн қўшаверади.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА,**
**Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот гуруҳи аъзоси.**

*Танловлар*





# ИБРАТЛИ ҚАЙНОНАЛАР

**Соғлом авлодни камол топтириш, оила мустаҳкамлигини таъминлашда қайноналарнинг ҳам ҳиссалари беқиёслигига алоҳида аҳамият қаратилиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан Соғлом авлод йилида «Энг ибратли қайнона» кўрик-танлови эълон қилинган эди.**

Шаҳримиздаги 11 та туман маҳаллаларида ана шундай кўрик-танловлар ўтказилиб, унда ғолиб деб топилган қайноналар кўрик-танловнинг шаҳар якуний босқичи беллашувида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган эдилар.

Куни кеча улар пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бири — Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ибратли қайноналар шаҳар кўрик-танловида иштирок этдилар. Танловда фалсафа фанлари доктори, ҳайъат раиси Хатима Шайхова ва журналист Муқаддас Абдусаматова, «Тинчлик учун оилалар» федерациясининг раиси Сайёра Султонова, Ўзбекистон халқ артисти Марям Иҳтиёровалардан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирок этдилар.

Саҳнада чеҳраларидан нур ёғилиб турган, қалблари меҳр-муҳаббатга, чексиз ҳаяжонга тўлган ўн бир қайнона, азизу мукаррам, пиру бадавлат онахонлар намоён бўлишди. Танловни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова очди ва танлов қатнашчиларига омад тилади.

— Бу кўрик-танловнинг айни энг улуғ ва азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги нишонланадиган шодиёна кунлар арафасида ўтказилиши яна ҳам қувонарлидир, — деди Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова — Айниқса Соғлом авлод йилида бу танловнинг ўтказилиши катта аҳамиятга молик бўлди. Бинобарин, Президентимиз ҳам соғлом авлодни вояга етказишда қайноналарнинг ҳам ҳиссалари катта эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Шунинг учун бу танловда яхшилар ичидан энг яхшилари танлаб олинди. Бу кўрик-танловда иштирок этган барча қатнашчиларнинг ҳаммасини ғолиб деб биламан. Шаҳримиздаги юзлаб маҳаллаларда келинларини қарқара қилиб қўядиган қайноналар кўпайишини истардим. Ҳаммаларига соғлиқ ва омад тилайман.

Шундан сўнг саҳнада ибратли қайноналар кўрик-танловнинг учта шарти бўйича ўзаро беллашиб, ўзларининг нақадар оқила, доно ва зукколикларини, ҳозиржавобликларини, ҳақиқатан оилада меҳрибон она ва ҳурматли қайнона эканликларини намойиш этдилар. Айниқса, сўнгги учинчи шарт бўйича қайноналарнинг эркин, ижодий мавзудаги миллий қадриятларимиз билан боғлиқ бўлган қўшиқ, лапар, алла, рақс, шеърий усул орқали чиқишлари уларнинг нақадар юксак истеъдод эгаси эканликларини яна бир карра намоён этди.

Шодиёна руҳда ўтган танлов сўнггида ҳайъат аъзолари томонидан энг ибратли қайнона шаҳар кўрик-танловининг ғолибалари аниқланди. Танлов ғолибаси — Сирғали туман Қўшқўрғон маҳалласидан Қундуз Йўлдошева биринчи ўринга муносиб деб топилди ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан телевизор билан мукофотланди. Шунингдек, иккита иккинчи ўрин — Ҳамза туманидан Зуҳра Обидова ва Мирзо Улуғбек туманидан Раъно Маҳмудоваларга насиб этиб, магнитофон билан тақдирландилар. Учта учинчи ўрин Чилонзор туманидан Ҳури Алимхўжаева, Собир Раҳимов туманидан Муҳаббат Қурбонова, Бектемир туманидан Рисолат Ғойибназароваларга насиб этиб, ғолиблар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирландилар.

Катта тантанага айланиб кетган ушбу тадбирга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар сўзга чиқиб, бундай қизиқарли тадбир уларда катта таассурот қолдирганини, мустақил Ўзбекистонда оилалар нақадар мустаҳкамлиги, оналарнинг ҳурмати, қадри жуда баланд эканлигига ҳавас қилаётганларини ўзбек тилида изҳор қилдилар. Шунингдек, танлов барча-барчанинг қалбида унутилмас таассурот қолдирганини қатнашчиларнинг қуйидаги дил сўзларидан ҳам билса бўлади.

**• Хатима ШАЙХОВА, фалсафа фанлари доктори, ҳайъат раиси:**

— Ушбу кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад — янги қурилаётган ёш оилаларга оила анъаналарини, меҳр-оқибат, урф-одатларимизни етказиш, оилани мустаҳкамлашда қайноналарнинг беқиёс ўрни, уларнинг зиммасида нақадар катта масъулият борлигини кўрсатишдан иборат. Бугунги танловда иштирок этган ибратли қайноналар биз ўйлагандан ҳам ақлли, катта ҳаёт тажрибасига эга, ҳавас қилса арзийдиган энг меҳрибон, энг намунали, бахтли она эканликларига тўла ишонч ҳосил қилдик.

**• Қундуз ЙЎЛДОШЕВА, «Энг ибратли қайнона» шаҳар кўрик-танловининг ғолибаси:**

— Азиз юртдошлар, мен ушбу танловда иштирок этганимдан, Мустақил юртимизнинг бахтиёр онаси эканимдан қалбим фахр ва ғурурга тўла. Ушбу дамда аввало мана шу тадбир ташкилотчиларига, қолаверса, ғамхўр Юртбошимизга миннатдорчилик билдираман. Биз оналарга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрликлардан бахтиёрман. Буюк давлатимизнинг янада фаровон, янада буюк бўлиши учун, соғлом авлодни вояга етказишда ўз улушимизни қўшамиз.

Шодиёна руҳда ўтган ушбу кўрик-танлов йиғилганларнинг қалбига оламолам завқ-шавқ, қувонч бахш этди. Тадбирдан сўнг меҳмонлар учун катта байрам дастурхони безатилиб, ош тортилди. Севимли хонандаю созандалар ижросидаги дилрабо куй-қўшиқ, гўзал рақслар кечага янада файз киритди.

**Шарифа ИЛЁСОВА,**
**Дилором ИКРОМОВА.**

**СУРАТЛАРДА: «Энг ибратли қайнона» шаҳар кўрик-танловидан лавҳалар.**

**Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.**

